

9-Мавзу:КИШЛОК ЖОЙЛАРДА ЯШАЙДИГАН ФУКАРОЛАРНИНГ ЕРГА ЭГАЛИК ҚИЛИШ ВА ЕРДАН ФОЙДАЛАНИШ ҲУҚУҚЛАРИ (4 соат)

РЕЖА:

1. Қишлоқ жойларда яшайдиган фукароларнинг ерга эгалик қилиш ва ердан фойдаланиш ҳуқуқлари умумий тавсифи.
2. Қишлоқ жойларда яшайдиган фукароларнинг ижара ҳуқуқи;
3. Қишлоқ жойларда яшайдиган фуқороларга якка тартибда уй жой қуриш учун берилган ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи;
4. Деҳқон хўжалигини юритиш учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи.

9- мавзу. 2-маъруза:

мавзу: Қишлоқ жойларда яшайдиган фуқароларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларининг вужудга келиш ва бекор бўлиш асослари

РЕЖА:

- 1. Қишлоқ жойларда яшайдиган фуқароларга якка тартибда уй жой қуриш учун берилган ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи;**
- 2. Деҳқон хўжалигини юритиш учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи;**
- 3. Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларининг вужудга келиш ва бекор бўлиш асослари.**

МАЪРУЗАНИНГ ТЕХНОЛОГИК ҲАРИТАСИ

Иш босқичлари	Фаолият турлари	
	Таълим берувчи	Таълим олувчилар
1 босқич Ўқув машғулотиغا кириш 20 дақиқа	<p>Гурухлар давомати назорат қилинади.</p> <p>Мавзу номи, мақсади, кутилаётган натижаларни, фойдаланиш мажбуриятлари етказилади. Машғулот маъруза ахборот шаклида олиб борилиши маълум қилинади</p>	Тинглайдилар ва ёзиб оладилар
2 босқич Асосий қисм 50 дақиқа	<p>2.1. Мавзу режаси асосий тушунчалар билан танишиб чиқиш таклиф этилади.</p> <p>2.2. Маъруза слайдлар Power Point тартибида намойиш этилади, ҳар бир слайд шарҳланади.</p> <p>Мавзуга жалб қилувчи саволлар берилади.</p> <p>2..3. Мавзу режалари бўйича хулосалар қилинади. Керакли маълумотларни дафтарда қайд этишлари кераклиги ёдга солинади.</p> <p>3. Мавзунинг ўзлаштирилганлик даражасини аниқлаш мақсадида тезкор сўров ўтказилади. (1-илова)</p>	<p>Ўқийдилар</p> <p>Тинглайдилар, асосий маълумотларни дафтарга ёзиб оладилар, саволлар берадилар</p> <p>Талабалар жавоб берадилар</p>
3 босқич Якуний босқич 10 дақиқа	<p>3.1. Мавзу бўйича умумий хулоса қилади. Мавзунинг касбий фаолиятидаги аҳамияти ва ўрнига талабалар эътиборини қаратади.</p> <p>3.2. Мустақил иш учун топшириқ берилади. (2-илова)</p>	<p>Тинглайдилар</p> <p>Топшириқни ёзиб оладилар</p>

Маъруза машғулоти ўқитиш технологияси

Талабалар сони 103 нафар	9-мавзу.. 2-маъруза. 2 соат
Ўқув машғулотининг шакли	Маъруза-ахборот
Машғулотнинг режаси	<ol style="list-style-type: none"> 1. Қишлоқ жойларда яшайдиган фуқороларга яқка тартибда уй жой қуриш учун берилган ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи; 2. Дехқон хўжалигини юритиш учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи; 3. Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларининг вужудга келиш ва бекор бўлиш асослари.
<p>Машғулотнинг мақсади: Қишлоқ жойларда яшайдиган фуқороларнинг ерга эгалик қилиш ва ердан фойдаланиш ҳуқуқлари умумий тавсифи тўғрисида тасаввурни шакллантириш</p>	
<p>Педагогик вазифалар:</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Қишлоқ жойларда яшайдиган фуқороларга яқка тартибда уй жой қуриш учун берилган ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи тўғрисида тушунча беради. 2. Дехқон хўжалигини юритиш учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи тўғрисида тушунча беради. 3. Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларининг вужудга келиш ва бекор бўлиш асослари. тўғрисида тушунча беради. 	<p>Ўқув фаолияти натижалари:</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Қишлоқ жойларда яшайдиган фуқороларга яқка тартибда уй жой қуриш учун берилган ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи тўғрисида тасаввурга жга бўлади. 2. Дехқон хўжалигини юритиш учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи тўғрисида тасаввурга жга бўлади. 3. Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларининг вужудга келиш ва бекор бўлиш асослари. тўғрисида тасаввурга жга бўлади.
Ўқитиш услуби ва техникаси	Маъруза, ақлий ҳужум
Ўқитиш воситалари	Доска, тарқатма материаллар
Ўқитиш шакли	Жамоа бўлиб ишлаш
Ўқитиш шарт шароити	Проектор ва компьютер билан жиҳозланган ўқув хонаси

МАВЗУНИ МУСТАҚИЛ ЎЗЛАШТИРИШ УЧУН ТАВСИЯ ҚИЛИНАЁТГАН МАНБАЛАР ВА АДАБИЁТЛАР

Асосий:

1. Ben McFarlane, Nicholas Hopkins. **Land Law**: Text, Cases, and Materials. OUP Oxford, 2012
2. М.Х. Рустамбоев ва бошқ. **Ер ҳуқуқи**. Дарслик – Т.: Тошкент давлат юридик институти, 2002. – 237
3. **Земельное право республики Узбекистан**. Учебник. Под. ред. М.Х. Рустамбаева. ҳуқуқи. Т.: ТДЮИ, 2007. -215 стр.
4. А. Нигматов. **Ер ҳуқуқи**. Ўқув қўлланма. – Тошкент.: “Ислом Университети”, 2001. – 191б.
5. А. Нигматов. **Земельное право**. Учебное пособие – Т.: “Ислом Университети”, 2001. – 189 б.
6. Узоқова Г.Ш. **Аҳоли пункти ерларидан фойдаланиш ҳуқуқи**. Т.: ТДЮИ, 2006. -117 б.
7. М. Mirzaabdullaeva, A. Muqimov, Z. Xafizova. **Yer huquqi**, O'quv qo'llanma. -Т.: TIMI, 2016. -196 б
8. **Земельное право**: Учебник / С.А. Боголюбов, Э.А. Галиновская; Учебник./Под ред. С.А. Боголюбова – М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2004. -400 стр.

Қўшимча:

1. Ўзбекистон Республикасининг **Ер кодекси**, Ўзбекистон, Т.: 1998
2. Ўзбекистон Республикасининг **қонун ости ҳужжатлари**


Интернет ресурслари

1. [http:// www. cousera.org /](http://www.cousera.org/)
2. <http:// www, harvard.edu/>
3. [http://www, Ziyonet. Uz/.](http://www, Ziyonet. Uz/)


Ўзбекистон
Республикаси
Ер кодекси



**Фуқароларнинг
ерга мерос қилиб
қолдириладиган
умрбод эгаллик
қилиш ҳуқуқини
тартибга солувчи
манбалар**



Ўзбекистон
Республикаси
конституцияси



Ўзбекистон
Республикаси
қонуни
“Дехқон
хўжалиги
тўғрисида”



Қонун ости
ҳужжатлари

Фуқароларнинг деҳқон хўжалигини юритиш учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи

Фуқароларнинг ер участкасига нисбатан мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи Ўзбекистон ҳуқуқ тизими ва қонунчилигида мустақиллик шарофати билан кириб келган янги тушунчалардан бири ҳисобланади. Унинг асосий хусусияти ушбу ҳуқуқдан фақатгина Ўзбекистон Республикаси фуқаролари фойдалана олиши мумкинлиги билан изоҳланади, чунки юридик шахслар ушбу ҳуқуқ асосида ер участкасидан фойдалана олмайдилар. **Ер кодексининг [19-моддасига](#)** биноан, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари деҳқон хўжалиги юритиш, якка тартибда уй-жой қуриш ва уй-жойни ободонлаштириш, жамоа боғдорчилиги ва узумчилиги юритиш учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга ер участкаси олиш ҳуқуқига эгадирлар.

ТАРИХГА НАЗАР

1989 йил 17 августда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқда яшовчи ҳар бир оилани томорқа билан таъминлаш, уларга яқка тартибда уй-жой қуриш учун барча шарт-шароитларни яратиб бериш ҳақида” қарори қабул қилинган. Ушбу тарихий ҳужжатда қишлоқда яшовчи ҳар бир оилага ўртача **0,25 гектардан** ер ажратиб бериш ва томорқа майдонларини қарийиб **4,5 баробар** кўпайтириш кўзда тутилган. Бу борада амалга оширилган ишлар натижасида **1989-1990 йилларда бир ярим миллиондан** кўпроқ оилага Ер тузувчилар орқали қўшимча ер ажратилди, **700 минг оилага** янги томорқа ерлари берилди.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларига яқка тартибда уй-жой қуриш ва деҳқон хўжалиги юретиш учун бириктирилган ерлар майдони

(минг га, динобида)

Т/р	Республика, шаҳар ва вилоятларнинг номи	2018 йил 1 январ ҳолатига		2019 йил 1 январ ҳолатига	
		Хўжаликлар (овла) сони, та	Умумий ер майдони	Хўжаликлар (овла) сони, та	Умумий ер майдони
1	Қорақалпоғистон Республикаси	244250	47,6	245083	47,6
2	Андижон	484398	47,8	488212	48
3	Бухоро	305460	58,7	305104	58,6
4	Жиззах	176506	31,8	177036	31,8
5	Қашқадарё	426480	80	428353	80
6	Навоий	110655	19,9	111011	20
7	Наманган	424675	49,9	425893	50
8	Самарқанд	521410	86,5	521426	86,5
9	Сурхондарё	341409	62,9	343068	63,2
10	Сirdарё	120227	19,2	120962	19,2
11	Тошкент	447574	62,3	447574	62,3
12	Фарғона	584264	71,8	586901	72
13	Хоразм	254073	51,3	255766	51,3
14	Тошкент ш.	140026	6,9	140026	6,9
	ЖАМИ:	4581407	696,6	4596415	697,4

**Деҳқон
хўжалиги
тушунчаси
қонунчилик
ҳужжатларига
кўра қандай
тарифга эга?**

Ўзбекистон Республикаси
“Деҳқон хўжалиги тўғрисида”
қонунининг 1-моддасига кўра
“Деҳқон хўжалиги оилавий
майда товар ишлаб чиқарувчи
хўжалик бўлиб, оила
аъзоларининг шахсий меҳнати
асосида, мерос қилиб
қолдириладиган умрбод эгалик
қилиш учун оила бошлиғига
берилган томорқа ер участкасида
қишлоқ хўжалиги маҳсулоти
етиштиради ва реализация
қилади”.

ТОМОРҚА ЕР УЧАСТКАСИ

Деҳқон хўжалигига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи асосида оила бошлиғига бериладиган ер участкалари **томорқа ер участкаси** дейилади. Ўзбекистон республикасининг “**Деҳқон хўжалиги тўғрисида**”ги қонунининг 7-моддасига кўра **томорқа ер участкаси** - қишлоқ хўжалик маҳсулотини эркин савдо ҳамда оила эҳтиёжлари учун етиштириш, шунингдек яқка тартибдаги уй-жой қурилиши ҳамда уй-жойни ободонлаштириш мақсадида оила аъзоларидан бирига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ўлчамларда ажратиб бериладиган ер участкасидир. Томорқа ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи Ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи давлат ҳужжати билан гувоҳлантирилади.

ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИГИ ЕР МАЙДОНИ ЎЛЧАМИ

Ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларига кўра қишлоқ жойларда яшовчи фуқаролар, ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ҳамда ташкилотлари ҳар бир ходимининг оиласига, шунингдек қишлоқ жойларда яшовчи ўқитувчилар, шифокорлар ва бошқа мутахассисларнинг оилаларига деҳқон хўжалиги юритиш учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга томорқа ер участкаси иморат ва ҳовли эгаллаган майдонни ҳам қўшганда **суғориладиган ерларда 0,35 гектаргача** ва **суғорилмайдиган (лалмикор) ерларда 0,5 гектаргача** ўлчамда, **чўл ва саҳро минтақасида эса-суғорилмайдиган (лалмикор) ерларда 1 гектаргача** ўлчамда берилган.

ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИГИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

Деҳқон хўжалиги ихтиёрийлик асосида тузилади ҳамда у давлат рўйхатига олинганидан ва унга белгиланган тартибда ер участкаси берилганидан кейин ташкил этилган ҳисобланади. Ер участкаси бериш тўғрисидаги аризада: **сўралаётган ер участкасининг жойлашган ери, майдони, деҳқон хўжалигининг таркиби ҳамда ер участкасидан фойдаланиш мақсади** кўрсатилади. Туман ҳокими ер участкаларини бериш масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг деҳқон хўжалиги юритиш учун ер участкаси бериш имконияти тўғрисидаги хулосаси асосида деҳқон хўжалигини ташкил қилиш ва ер ажратиш тўғрисида қарор чиқаради.

**Деҳқон
хўжалигига
мерос қилиб
қолдириладиган
умрбод эгалик
қилишга
берилган
томорқа ер
участкаларидан
фойдаланишга
қўйилган
тақиқлар**

томорқа ер участкалари хусусийлаштирилиши мумкин эмас

томорқа ер участкалари олди-сотди объекти бўлиши мумкин эмас

томорқа ер участкалари гаров объекти бўлиши мумкин эмас

томорқа ер участкалари ҳадя объекти бўлиши мумкин эмас

томорқа ер участкалари айирбошлаш объекти бўлиши мумкин эмас

томорқа ер участкаси бўлиниши мумкин эмас

Деҳқон ва фермер хўжалиklarининг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини бекор бўлишига сабаб бўладиган ҳолатлар

Ҳуқуқларнинг бекор бўлишига сабаб бўладиган ҳуқуқий оқибатлар

эгалликдаги, ижарадаги ер участкаларини тегишли тартибда кайтариб бериш натижасида ердан фойдаланганлик учун ҳақ тўлашнинг бекор бўлиши

деҳқон ва фермер хўжалиги фаолиятининг тўхтатилиши ва бошқалар

Дехқон ва фермер хўжаликларининг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини бекор бўлишига сабаб бўладиган ҳолатлар

**Қонунчиликда
белгиланган
ҳуқуқларнинг бекор
бўлиш асослари ва
тартиби**

биринчи ҳолат-
қонуний асосларда вужудга
келган ҳуқуқларга

иккинчи ҳолат-
ноқонуний асосларда вужудга
келган ҳуқуқларга

**Дехқон
хўжалигининг
томорқа - ер
участкаларига
нисбатан мерос
қилиб
қолдириладиган
умрбод эгалик
қилиш ҳуқуқи
қуйидаги
ҳолларда бекор
бўлиши мумкин
(Д/Х 27-
моддаси)**

хўжалик фаолиятини давом эттириш истагида бўлган биронта ҳам хўжалик аъзоси ёки меросхўр қолмаган бўлса

томорқа ер участкаларига нисбатан мерос килиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқидан ихтиёрий воз кечилганда

томорқа ер участкаси қонунда белгиланган тартибда олиб қўйилганда

белгиланган солиқлар муттасил тўланмаганда

агар қонун ҳужжатларида бошқа муддат белгиланмаган бўлса, янги берилган томорқа - ер участкасидан бир йил мобайнида фойдаланишга киришилмаган тақдирда;

деҳқон хўжаликлари фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари бир неча марта ёки бир марта, лекин қўпол равишда бузилганда

Дехқон ва фермер хўжалиklarининг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини бекор бўлишига сабаб бўладиган ҳолатлар

Юқорида келтирилган ҳолатлар нафақат томорқа - ер участкасига нисбатан ҳуқуқларнинг бекор қилинишига, балки дехқон хўжалиги фаолиятининг тугатилишига ҳам олиб келади (ушбу ҳолатлар дехқон хўжалиги фаолиятини тўхтатиш учун ҳам асос бўлиб хизмат қилади).

Маълумки, дехқон хўжалиги юридик шахс ташкил этган ёки ташкил этмаган ҳолда амалга оширилиши мумкин. Юридик шахс ташкил этган ҳолда фаолият юритаётган дехқон хўжалиги қишлоқ, хўжалиги корхонаси ҳисобланади. Қонунчиликда қишлоқ хўжалиги корхоналари учун эътироф этилган қоидалар дехқон хўжалиги учун ҳам татбиқ этилади. Демак, дехқон хўжалиги ҳам банкрот деб топилиши мумкин. Хўш, дехқон хўжалиги банкрот деб топилган ҳолларда дехқон хўжалигини томорқа - ер участкасига нисбатан мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқининг тақдири нима бўлади? Дехқон хўжалигининг банкрот деб топилиши дехқон хўжалиги фаолиятининг тугатилишига олиб келиб, томорқа ер участкасига нисбатан мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқининг бекор бўлишига асос бўлади.

**Фермер
хўжалигининг
ер участкасига
оид ижара
шартномаси
куйдаги
ҳолларда
бекор бўлади
(Ф.Х. 32-
моддаси)**

тарафларнинг келишувига кўра ёки томонлар келишилмаган тақдирда суд томонидан.

ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқидан иктиёрий воз кечилганда.

хўжалик фаолиятини давом эттириш истагида бўлган бирорта ҳам хўжалик аъзоси ёки меросхўр қолмаган бўлса

ердан белгиланган мақсадда ва оқилона фойдаланилмаганда, олинган ҳосилдорлик норматив кадастр баҳосидан муттасил (уч йил мобайнида) паст бўлганда

ер участкасининг ижарага берилган муддати тугаганда ва ердан фойдаланиш ҳуқуқини тиклашнинг имконияти бўлмаганда

**Фермер
хўжалигининг
ер
участкасига
оид ижара
шартномаси
куйдаги
ҳолларда
бекор бўлади
(Ф.Х. 32-
моддаси)**

ер участкаси белгиланган тартибда олиб
қўйилганда.

фермер хўжалиги банкрот деб эълон
қилинганда

ижара ҳақи белгиланган муддатларда
муттасил тўланмаганда

фермер хўжаликлари фаолиятини тартибга
солувчи қонун ҳужжатлари бир неча марта ёки
бир марта, лекин қўпол равишда бузилганда

БЛИЦ САВОЛЛАР

1. Деҳқон хўжалиги тушунчаси нимани англатади?
2. Деҳқон хўжалиги учун ерлар қаердан берилади?
3. Фермер хўжалиги тушунчаси нимани англатади?
4. Фермер хўжалиги хўжалиги учун ерлар қаердан берилади?
5. Деҳқон ва фермер хўжалиги қандай тартибда ташкил этилади?
6. Қайси ҳолатларда деҳқон ва фермер хўжаликларининг ер участкаларига бўлган ҳуқуқлари бекор қилинади?